# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 2 февраль, № 23 (5697) Шанба


Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан Фарғона ва Хоразм вилоятлари ўртасида ўзаро ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйишга бағишлаб видеоанжуман ташкил этилди.*

## Ишбилармонлар мулоқоти

Унда палата мутахассислари, тижорат банклари мутасаддилари ҳамда ҳар икки вилоятнинг илғор тадбиркорлари кичик бизнес, саноат ривожи, туризм истиқболлари бўйича қизғин фикр алмашдилар.

— Видеомулоқот менда катта таассурот қолдирди, — дейди Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Водий ҳунармандлари” хусусий корхонаси раҳбари Азизбек Муртазоев. — Тадбир давомида Хоразмдаги сайёҳлик ташкилотлари билан ушбу қадимий заминга Марғилон атлас ва адрасларини етказиб бериш юзасидан келишиб олдим. Агар имконият туғилса, келгусида Хоразмда корхонамизнинг савдо шохобчасини ҳам очиш ниятидаман. Бу орқали воҳага ташриф буюраётган сайёҳлар Марғилоннинг дунёга машҳур миллий матоларини арзон нархларда сотиб олиш имкониятига эга бўладилар.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Касаначига ҳам, корхонага ҳам фойдали

*“Навоийазот” очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиз кимё саноатининг етакчи корхоналаридан биридир. Кейинги йилларда жамият мутасаддилари томонидан бу ерда касаначиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

— Бир вақтлар махсус иш кийимлари ҳамда кимёвий препаратлардан муҳофаза воситалари юртимизнинг бошқа ҳудудларидан келтириларди, — дейди корхона участка бошлиғи Нилуфар Сафарова. — Эндиликда бунга эҳтиёж қолмади. Жамиятимиз билан шартнома имзолаган касаначилар бунинг уддасидан чиқишаяпти. Асосийси, айни пайтда “Навоийазот”нинг ўзида 494 нафар касаначи шу фаолият тури билан банд. Улардан 296 нафари тикувчилик, 198 нафари тўқувчилик билан шуғулланади. Ўтган йили касаначиларимиз томонидан 778 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса бу борадаги кўрсаткич янада ортиши кутилаяпти.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Модернизация маҳсули

*Қашқадарё вилоятида қабул қилинган махсус дастурга мувофиқ, ўтган йили қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 184 та корхонанинг 57 тасида деворбоп, 21 тасида норуда, 22 тасида темир-бетон ва 9 тасида томёпқич материаллари тайёрлаш ўзлаштирилди.*

Тадбиркорлар томонидан 5 та полиэтилен хом ашёсидан томёпқич, 6 та оҳак ва гипс ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди.

Китоб туманидаги “Magma ground” корхонасида ҳам замонавий хориж ускуналари асосида кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди. Пировардида бу ерда норуда материалларини қайта ишлаш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, ўнга яқин қўшимча иш ўринлари яратилди. Мазкур лойиҳа рўёби учун 25 минг АҚШ долларилик маблағ йўналтирилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Соғлом, гўзал ва шижоатли

Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

*Баркамол авлодни вояга етказишда спортнинг аҳамияти беқиёс. Буни ўтган йиллар давомида ўғил-қизларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирларнинг самаралари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.*

### Болалар спорти

Ҳозир юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, ҳатто энг олис қишлоқ жойларида ҳам кўркам бинолар, замонавий инфратузилма объектлари қаторида муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари мавжуд. Улардаги шарт-шароитларга ҳавас қиласиз. Аҳамиятлиси, бу ишларга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Биргина 2012 йилнинг ўзида республикамиз бўйича 108 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилгани бунинг тасдиғидир.

Имкониятлар тобора яхшиланаётгани туфайли спортга меҳр қўйган болаларимиз сафи ҳам кенгайиб бораяпти. Жумладан, айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қарийб 1 миллион 600 минг бола ёки юртимиздаги болаларнинг 35,6 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Демак, ислоҳотлар амалий ифодасини топаяпти.

Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизлар спорти, хусусан, унинг нафис тури бўлмиш бадиий гимнастика жадал ривожланиш даврини ўтказмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу спорт тури қизларнинг гўзал ва соғлом бўлиб улғайишига катта ёрдам беради, уларни назокат билан ҳаракатланишга ўргатади, мусиқага бўлган қизиқишини ошириб, маънавий оламини бойитади. Энг муҳими, келажак авлоднинг баркамоллигини таъминлайди, миллат генофондини сақлаш ва яхшилашга хизмат қилади. Шу омиллар эътиборга олиниб, жойларда бадиий гимнастика секциялари ташкил этилган ва бугун уларда минглаб қизлар камолга етаяпти.

(Давоми 4-бетда).

### Биз ва жаҳон

*Маълумки, Берлин “Яшил ҳафталик” халқаро қишлоқ хўжалиги ярмаркаси анъана тусини олган ва у кўп йиллардан буён ҳар январь ойининг сўнгги ўн кунлигида ўтказилади. 1926 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган мазкур анжуман жаҳон миқёсида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик сингари соҳаларда эришилган муваффақиятлар намойиш этиладиган нуфузли халқаро минбар ҳисобланади.*

# Ўзбек замини неъматлари

## Берлиндаги «Яшил ҳафталик»да намойиш этилди

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари ва компаниялари учун ўз маҳсулотларини намойиш қилиш майдони, савдо белгиси ҳамда нуфузини юксалтириш, жаҳон истеъмол бозори ривожининг янги тенденцияларини аниқлаш воситаси сифатида хизмат қиладиган ушбу ярмарка унинг қатнашчиларига ўзаро манфаатли шартномаларни имзолаш, шунингдек, қўшимча сармояларни жалб этиш учун қулай имконият яратиши билан довруқ қозонган.

Ярмарка асносида унинг иштирокчи ҳамда меҳмонлари янги ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, денгиз, гўшт маҳсулотлари, турли-туман ичимликлар сингари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари билан танишдилар. Шу билан бир қаторда, анжуманда мева уруғлари, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускунаси, иссиқхоналар ва бошқа турли товарлар ҳам пештахталардан жой олди.

“Яшил ҳафталик” доирасида турли мавзуларга бағишланган симпозиум, семинар ва бошқа тадбирлар ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон мазкур йирик халқаро қишлоқ хўжалиги ярмаркасида мунтазам равишда ўз салоҳиятини намоён этиб келмоқда. Жорий йилги “Яшил ҳафталик”да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. Ғаниев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси қатнашди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ярмарка чоғида миллий услубда безатилган Ўзбекистон бўлмаси тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. “Жаҳон” АА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

**Германия Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерал вазирлигининг давлат котиби Роберт КЛООС:**

— Сўнгги йилларда биз Ўзбекистон билан яқин ҳамкорликда иш юритмоқдамиз. Ўйлашимча, мамлакатингизнинг мазкур анъанавий халқаро ярмаркадаги мунтазам иштироки давлатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларга, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги жабҳасидаги икки томонлама муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Биз замонавий технологияларни етказиб бериш ҳамда мутахассислар ўртасида тажриба алмашиш орқали Ўзбекистонда мазкур тармоқнинг янада ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

(Давоми 2-бетда).

### 2013 йил — Обод турмуш йили

*Бирор манзилни обод қилиш учун инсондан нима талаб қилинади? Аввало, ўша ерда яшаётган одам туғилган тупроғига меҳр қўйиши керак. Бугунги ҳаётини, эртанги тақдирини табаррук замин билан умрбод боғлаши зарур.*

# Меҳрдан юрт яшнайди

Баъзан “Нега ўзбек ўз жойидан бошқа ерни афзал билмайди?” деган савол янграб қолади. Чунки Аллоҳ таоло бу миллатнинг табиатини шундай яратган. Шу маънода, халқимиз ўзи яшаётган заминни обод қилишга, янада яшнатишга ҳаракат қилади. Ободлик фақат гўзал манзарагина эмас, балки диллар равшанлиги, қалбнинг беғуборлиги ҳамдир.

Бизнинг халқимиз бунёдкорлик, қуриш, яшнатиш ниятида нафас олади. Бунинг учун инсондан заминга муҳаббатдан ташқари фидойилик ҳам талаб қилинади. Худди шу хислатга мос равишда Яратган бизга унумдор тупроқ, гўзал табиат ато этган.

Юртимиз одамларининг азалдан ободликка интиқ эканлигини исботловчи бир далил бор. Гап Ўзбекистонимизнинг турли пучмоқларида жойлашган манзилларнинг аталиши ҳақида кетяпти. Эътибор қилинг: Пахтаобод, Янгиобод, Хўжаобод, Мирзаобод, Юнусобод, Бекобод, Деҳқонобод, Сайхунобод, Зафаробод, Миробод, Нуробод каби туманларимиз номлари орзу-ниятларимизни ифодалаб турибди. Фақат шугина эмас, Хайробод номи Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва яна кўплаб жойларда учрайди. Файзобод, Гулобод, Ҳаққулобод, Муродобод каби манзилу қўналғалар тилга олинганда, кўнглингиз яйраб кетади. Эзгу ниятни дилга туккан инсонлар ободликни ҳаётий мақсад қилиб олганлигининг ёрқин мисоли шундаки, Юртбошимиз истиқлолнинг илк кунларидан “Биздан озод ва обод Ватан қолсин!” деган шиорни ўртага ташлади.

(Давоми 2-бетда).

## Тадбиркор ёшлар:

# Ишонч ва масъулият

*Президентимиз юртимизда қўлга киритилаётган юксак марралар замирида одамларнинг, аввало, ёшларнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганлиги мужассам эканлигини доимо таъкидлаб келадилар.*

### Ислоҳот

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларнинг эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшадиган, билимли, фидойи, юксак ақл-заковатли инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилаяпти. Айни пайтда республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу эртамизни ўйлаб амалга оширилаётган эзгу ишлар мевасидир.

Биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини олиб кўрайлик. Ҳозирги кунда ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоизидан ортиғи айнан шу тизимда банд. Уларнинг сафи касб-ҳунар коллежлари ёки олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёш мутахассислар ҳисобига тобора кенгаяётгани қувонарли ҳол. Аниқроғи, ҳозир юртимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг қарийб 37 фоизини, фермер хўжаликларининг 26 фоизини 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар бошқаришмоқда.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати — ёшларнинг ана шундай эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда яқин кўмакдош бўлиб келаётган ташкилотлардан бири. Кейинги йилларда мазкур Ҳаракат томонидан илгари сурилган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Minitech.uz”, “Менинг бизнес ғоям” сингари бир қатор лойиҳалар, айниқса, ўз самарасини бермоқда. Хусусан, “камолотчи”ларнинг Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда молия муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошираётган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” танловида қатнашиш истагида бўлган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

“Менинг бизнес ғоям” танлови эса ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш баробарида, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 2-бетда).

# Транспорт инфратузилмаси тобора ривожланмоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2012 йилда мамлакатимизда қарийб

**500** километрлик тўрт полосали замонавий автомобиль йўллари қурилиб, реконструкция қилинди.



**Ўтган даврда республикамизда автойўл ва коммуникация соҳаларида қурилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилгани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.**

### Сайёҳлик

*Яқинда Венада бўлиб ўтган “Ferien Messe Wien — 2013” халқаро сайёҳлик ярмаркасида Австрия ва дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатида фаолият кўрсатадиган сайёҳлик компаниялари, туроператорлар, меҳмонхона ҳамда авиакомпаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш қилдилар.*

# Австрияда тақдимот

Ушбу нуфузли халқаро сайёҳлик анжуманида Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Ferien Messe Wien” ярмаркаси илк маротаба 1975 йили ўтказилган эди. Бугунги кунга келиб, у Марказий ва Шарқий Европада сайёҳлик соҳасидаги йирик тадбирлардан бирига айланди. Хусусан, уч кун давом этган жорий йилги анжуманга 140 мингдан ортиқ киши ташриф буюргани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон бўлмаси меҳмонлари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, республикамизда мазкур соҳани изчил ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар билан яқиндан таништирилди.

(Давоми 4-бетда).

# ЎЗБЕК ЗАМИНИ НЕЪМАТЛАРИ

## Берлиндаги «Яшил ҳафталик»да намойиш этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**“Яшил ҳафталик” халқаро ярмаркаси матбуот котиби Вольфганг РОГАЛЬ:**

— “Яшил ҳафталик” қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва боғдорчилик соҳасидаги энг йирик халқаро тадбир саналади. Шу билан бирга, у дунё миқёсидаги муҳим воқеа ҳамдир. Жорий йил ярмаркамизда жаҳоннинг 67 мамлакати вакиллари иштирок этмоқда. Бу — 2013 йилда “Яшил ҳафталик” тарихидаги энг кўп қатнашчи Берлин анжуманига келди, деганидир.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларида етиштирилган турфа хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркамизда тақдим этилганидан мамнунмиз. Умид қиламизки, Ўзбекистон замини неъматлари европалик истеъмолчиларга ёқади. Шу маънода, тадбир жараёнида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистонга муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

**“CLAAS” концерни бош директори Ян-Хендрик МОР:**

— Концернимиз юз йилдан буён қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатиб келади. Биз ўз ишимизда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз, шу сабабли, сўнгги йигирма йил мобайнида компаниямиз ва Ўзбекистон ўртасида муваффақиятли ҳамкорлик алоқалари мавжуд. Нафақат қишлоқ хўжалиги техникасини сотиш, балки мамлакатингизда уни ишлаб чиқариш ҳам бизда катта қизиқиш уйғотган эди. Хусусан, уч йилдан буён республикангизда “CLAAS” концерни материалларидан тайёр машиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани алоҳида таҳсинга сазовор. Шундай қилиб, компаниямиз Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғининг барқарор тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётир, келажакда эса бундай техникаларни экспорт қилиш ҳам режалаштирилмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро ярмаркадаги иштироки бизга мамнуният бахш этади. Зеро, бу минбар юртингизда етиштирилган маҳсулотларни ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги бўйича салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилиш имкониятини беради.

**“LEMKEN” компанияси бош директори Франц-Георг фон БУССЕ:**

— “Яшил ҳафталик” доирасида ташкил этилган Ўзбекистон бўлмаси дилимизни қувонтирди. Компаниямиз ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, ярмарканинг халқаро қатнашчилари орасида Ўзбекистон экспозицияси алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатингиз нафақат улкан озиқ-овқат бозори, балки бу соҳада ҳамкорлик олиб бориш учун ҳам салмоқли салоҳиятга эга юртдир. Компаниямиз иштирокида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган қўшма корхона ташкил этилгани ва у олиб бораётган фаолиятдан жуда мамнунмиз.

**“TBS GROUP” компанияси менежери Мэри НАМ:**

— Компаниямиз қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишда етакчилардан бири саналади. Фаолиятимизнинг асосий йўналишини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қуруқ мевалар экспорти, минерал, органик ўғитлар, мева концентратлари, турли консерваланган мева-сабзавотлар экспорти ҳамда импорти ташкил этади.

Мазкур ярмаркада қатнашиш орқали биз янги шартномалар имзолаш, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз орасидан янги дўстлар орттириш имконига эга бўлдик. Германияликлар эса Ўзбекистон ва унинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан танишдилар.

“Яшил ҳафталик — 2013” доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатор учрашув ва музокаралар ўтказганлари ҳолда, қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати соҳасидаги чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолашди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## Тадбиркор ёшлар:

# Ишонч ва масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун шижоатли, интилувчан, ташаббускор ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Чунки улар бундай фазилатлари билан нафақат жамиятда ўз ўринларини топмоқда, балки мамлакатимиз довруғини дунёга ёймоқда. Жумладан, Навоий шаҳрилик Нилуфар Файзуллаеванинг тикувчилик маҳсулотлари сифатлилиги билан алоҳида ажралиб турса, марғилонлик кандакор Алишер Мадалиевнинг ноёб санъат асарлари хорижликлар томонидан ҳам қизиқиб харид қилинмоқда.

Ёшлик — инсон умрининг энг шижоатли даври. Бу паллада ўрганилган ҳар қандай билим ёки ҳунар тошга ўйилган нақшдек унинг тафаккурида муҳрланиб, келгуси ҳаётида асқотиши, шубҳасиз. Шу маънода, ўғил-қизларга пухта билим бериш ва ҳунар ўргатишга қаратилган ҳар қандай эътибор беиз кетмайди. Қамаши қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи фаолияти бунга мисол бўла олади. Гап шундаки, мана, ўн йилдирки, мазкур ўқув даргоҳини битирган ўғил-қизларни ишга жалб этиш масаласи ижобий ҳал қилиб келинаяпти. Баъзи мамлакатларда ўқув юртлари мутахассисларини иш билан таъминлаш у ёқда турсин, молиявий-иқтисодий инқироз туфайли тайёр иш ўринлари қисқартирилаётган бир пайтда бу жуда эътиборга лойиқ, албатта.

Мазкур ўқув даргоҳида “Устоз — шогирд” анъанасига қатъий амал қилинади. Қолаверса, коллежнинг тажриба дала майдони ҳам мавжудки, у ўқувчиларнинг олган билимини амалиёт орқали мустаҳкамлашда қўл келаяпти.

Айни пайтда мазкур коллежнинг “Фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш”, “Мелиорация”, “Информация ва коммуникация”, “Транспортда ташиш ишлари ва бошқариш” сингари ўнта йўналиши бўйича салкам минг нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ўтган йили 301 нафар битирувчи мутахассис сифатида мустақил ҳаётга йўл олиб, уларнинг 230 нафари ишга жойлашди, 71 нафари эса ўз соҳаси бўйича олий ўқув юртларига ҳужжат топширди.

Мустақиллик туфайли таълимда илғор технологияларни қўллаш учун кенг йўл очилди. Эндиликда ёшлар хорижнинг энг илғор ўқув қуроллари ёки дастгоҳлари билан жиҳозланган замонавий даргоҳларда таҳсил олишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг интилишу иштиёқини кучайтираяпти.

Бу — юртимизда ёшларга яратилаётган имконият ва ғамхўрликлар натижаси. Агар республикамизда юзлаб касб-ҳунар коллежлари мавжудлигини, уларда минглаб ёшлар таҳсил олаётганини назарда тутсак, йигит-қизларнинг ташаббускорлик, ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, шу билан бирга, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси нечоғли юксак эканлигини англаш мушкул эмас.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

# Кредит самараси

*“Субҳизару Бухоро” масъулияти чекланган жамиятида пайпоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бухоро шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхона лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун банк томонидан ажратилган 250 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланди.*

## Янгилик

— Бизда иш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган, — дейди корхона раҳбари Ҳалим Нажмиддинов. — Маҳаллий хом ашё асосида ишлаймиз. Калава ипдан тайёрлаётган пайпоқларимиз юмшоқ, енгил, пишиқ. Улар хориждан келтирилаётган турдош маҳсулотга нисбатан анча арзон. Бир иш кунида минг жуфтгача пайпоқ ишлаб чиқариш имконига эгамиз.

**И. ИСТАМОВ.**

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

*Асрлар давомида халқимизга хос ноёб бошқарув идораси сифатида шаклланиб келган маҳалла истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида янгича мазмун-моҳият касб этди. Фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳамда ҳақиқий демократия дарсхонасига айланди. Буни давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда хорижлик меҳмонларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди.*

## Маҳалла:

# Ҳақиқий демократия дарсхонаси

**Эркин РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида тузилган жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар томонидан жамоатчилик назорати самарали тарзда амалга оширилмоқда. Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қонун ҳужжатлари ҳамда фуқаролар йиғинлари қарорлари ижросини назорат қилиш, ҳар чоракда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, тўй-ҳашам ва бошқа маросимларнинг ихчам тарзда ўтказилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар бунинг бир мисолидир.

Жойларда қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, таълим муассасалари раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялашда ота-она ва маҳалланинг таълим муассасаси билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги жамоат кенгашлари тузилди.

Айни чоғда маҳаллаларда йиғин раислари бошчилигида “Камолот” ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар масъул ходимларидан иборат 8 мингдан ортиқ жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, улар бандлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Кулбухушан ВАРИКО, Ж. Неру номидаги университет профессори (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов бошчилигида танланган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили замирида тарих ва бугунни ўзида уйғунлаштирган ҳаётий ҳақиқатлар ўз ифодасини топган. Ушбу тамойил орқали аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари манфаатларини ўзида мужассам этган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳуқуқ ва эркинликлари қамраб олинган. Муҳими, юртингизда бунинг учун пухта меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилгани, менталитетингизга хос “маҳалла” сўзи Конституциянгизда ҳам ўз ифодасини топгани, бу, ўз навбатида, умумэътироф этилган меъёрларга уйғун эканлиги ҳам диққатга сазовордир.

**Барчиной МАШАРИПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалла тизимини такомиллаштириш, уларнинг давлат идоралари билан ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларни бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган. Шундан келиб чиқиб, парламент қуйи палатаси ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида мазкур қонунларни такомиллаштириш устида иш олиб борилаяпти. Бунда, энг аввало, фуқаролар йиғинларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабати, аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фуқаролар йиғинлари кенгашлари ваколатларини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларига оид меъёрлар кўзда тутилмоқда. Айни чоғда маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни кенг йўлга қўйиш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этиш, фуқаролар йиғини қарори билан тузилган хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектларига тегишли имтиёзлардан фойдаланишга кўмаклашиш масалалари ҳам ўз ечимини топмоқда.

**Жеймс ВОН, Техас университети тарих кафедраси профессори (АҚШ):**

— Тарихчи бўлганим учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўтмиши ҳар бир мамлакатда ўзига хос, деб бемалол айта оламан. Масалан, бу ҳол Америка давлатларида плантациялар уюшмалари, қаҳва уйлари, маҳаллий ассоциациялар тарзида намоён бўлган. Ҳатто, АҚШнинг ҳар бир штати бу борада турли тизимларга эга. Ўзбекистондаги маҳалла тизими эса мазмун-моҳиятига кўра ноёбдир. Мустақиллик йилларида ана шу тарихий-ижтимоий институт, унга хос қадриятлар қайта кўз очиб, тараққиётга эришаётганидан яхши хабардорман. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла нафақат маданий меросни асраб-авайлаш маскани, айни чоғда инсон манфаатларини муҳофаза қилувчи, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашувчи халқчил бошқарув идораси сифатида ҳам қадрлидир.

**Дилшод УСМОНОВ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари:**

— Президентимизнинг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилганди. Ўтган даврда ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, маҳалла институтини замон талаблари асосида мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунга келиб Фонднинг 14 та ҳудудий бўлими, 194 та туман ва шаҳар бўлинмаси самарали иш олиб бормоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сони 10 мингга яқинни ташкил этади. Муҳими, бугун улар миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, умуман, 30 дан зиёд ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик вазифаларни муваффақиятли тарзда адо этиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, маҳалла халқчил бошқарув идораси сифатида ҳаётимизга янада чуқур кириб бормоқда. Бу эса бош мақсадимиз — қонун устувор бўлган эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ ёзиб олди.**

# Янги қувват, қўшимча имконият

*Қўрғонтепа туманининг Савай қишлоғида фаолият кўрсатаётган “Ягона ҳамкор нури” масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.*

## Кичик бизнес

Бироқ малакали мутахассислар томонидан энг илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар бозорда ўз харидорини топиб улгурди.

Жамоа корхонани кенгайтириш ва шу йўл билан янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, Обод турмуш йилида “Қишлоқ қурилиш банк”дан 250 миллион сўмлик кредит олиниб, хориждан замонавий тикув дастгоҳлари келтирилди. Айни кунларда жамият қошида нон маҳсулотлари тайёрлаш корхонасини ташкил этишга киришилган.

— Янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига жамоамиз сафи 200 нафарга кенгаяди, — дейди корхона раҳбари Санобархон Носирова.

Ўтган йили вилоятда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун молия муассасалари томонидан 40 миллиард 70 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада опа-сингилларимиздан 40245 нафари доимий иш билан таъминланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



## Изланиш

*Оролбўйида аҳолини қиш мавсумида озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, эл дастурхонини сифатли мева-сабзавотлар билан тўлдириш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.*

# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР – АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

“Тахиатош иссиқлик электр станцияси” очиқ акциядорлик жамияти томонидан замонавий иссиқхона ишга туширилиб, эл дастурхонига қишда ҳам ёздагидек полиз маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Икки гектар майдонни эгаллаган иссиқхона хўжалигида шу кунга қадар саксон тонна бодринг, 10 тонна помидор етиштирилиб, Нукус, Тахиатош ва Хўжайли деҳқон бозорларида сотилди.

— Экинларни парваришлаш ишларини замонавий технологиялар ёрдамида бажараётганимиз туфайли мўл ҳосил етиштиришга эришаяпмиз, — дейди иссиқхона хўжалиги раҳбари Жақсибой Атамуратов. — Йигирма тўрт киши меҳнат қилаётган хўжалигимизда айни пайтда лимонзор барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

**А. ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.**



М. ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.

# Меҳрдан юрт яшнайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда жаҳон матбуотида бир тадқиқот натижаси эълон қилинди. АҚШнинг Тулейн университети олимлари ифлосланган ҳаво шароитида жиноятчилик даражаси кўпайишини аниқлашибди. Ғубор босган муҳит ободликдан жудаям йироқ эканлиги аён, албатта. Энди ўша хулосанинг аксини олиб кўрайлик. Обод, мусаффо ва саришта шароитда одамларнинг кўнгли эзгуликка интилмайдими?

Сўнгги фикримиз қанчалик ҳаётий эканлигини янги йил арафасида фойдаланишга топширилган Навоий кўчасидаги уйлар билан боғлиқ кайфият тўла тасдиқлади. Ярақлаган зиналар, муҳташам эшиклар, кўркам деразалар, ҳавасни келтирувчи жиҳозлар ўта бефарқ одамнинг ҳам эътиборини тортмаслиги мумкин эмас. XXI аср уйлари, дейишганича бор экан.

— Бу уйларни телевизор орқали кўрганда, бунчалик таъсирланмагандим, — дейди бу ерга меҳмонга келган меҳнат фахрийси Нарзиқул Содиқов. — Ўзбекистонимизда шундай ажойиб уйлар қурилишини илгари тасаввуримизга ҳам сиғдиролмасдик.

Мамлакатимиз миқёсида Хотин-қизлар конференцияси қатнашчилари пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойлар қаторида Навоий кўчасидаги янги уйларни ҳам бориб кўришди. Турли вилоятлардан келган аёллар бу уйларни хонадон бекаси, фарзандлар онаси, рўзғор соҳибаси сифатида кўздан кечирдилар.

— Насиб этса, бундай кўркам уйлар бизнинг Урганчда ҳам қурилади, — дейди Хоразм вилоятидан келган Сайёра Самандарова. — Юртбошимиз Хивага келган сайёҳлар аввал вилоят марказини завқ билан томоша қилишсин, деб лутф қилдилар. Бундан хоразмликларнинг кўнгли осмон қадар кўтарилди, ғайрати, шижоати юксалди. Юртимиз файзли, чиройли. 2013 йилда эса Ватанимиз янада гуллаб-яшнашига ишонамиз.

Таъбир жоиз бўлса, Тошкент ободлик, кўркамлик бобида бутун мамлакатга намуна бўлаётгандай.

Шаҳри азимдаги эл назарига тушган бинолар, масканлар ҳақида кўп ёзилади. Ўрни келганда, пойтахтдаги гузарлар хусусида ҳам икки оғиз сўз айтиш жоиз. Илгари ҳам гузарлар бўлган, маҳаллаларнинг нисбатан гавжумроқ жойи шундай ном билан аталарди. У жойда кундалик эҳтиёж буюмларини харид қилиш мумкин эди. Мустақиллик даврида гузар тушунчаси ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгарди. Энди гузар деганда, инсон эҳтиёжини тўла қондирадиган баркамол инфратузилма англашилади.

— Гузаримизда нафақат моддий эҳтиёжлар, балки маънавий дунёмизни бойитувчи омиллар мавжуд, — дейди Чилонзор туманидаги “Яккабоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хислат Ғозиев. — Маҳалладошлар билан дийдорлашиш, кўнгилда туғилган гапларни изҳор этиш орқали бир-биримизнинг тафтимизни олиш ҳар кунги ҳаётимизнинг оддий манзарасидир.

Яккабоғ маҳалласида қарийб 1900 нафар аҳоли яшайди. Агар 2012 йил бошида иш билан таъминланмаган одамлар 162 нафар бўлган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 6 нафарни ташкил этади. Хўш, бунга нима ҳисобидан эришилди? Аввало, маҳалла фаолларининг жон куйдириб ҳаракат қилганликлари туфайли уй меҳнати кенг йўлга қўйилди. Айниқса, ёшлар ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги турини зўр қизиқиш билан ўрганишаяпти. Меҳнат билан топилган даромад қандай қадрланиши эса барчага аён.

Инсоннинг қўли гул, дейдилар. Ана шу фазилат ҳар қадамда намоён бўлиши учун муносиб шароит яратилиши керак. Минг шукрки, тинчлик, осойишталик барқарор юртимизда ҳамма нарса инсоннинг бахтли, фаровон яшашига қаратилган. Эрта тонгдан пок ният билан уйғонган замондошларимиз эркин, ҳур диёрда фақат эзгу ниятлар рўёби йўлида интилишади. Тинчликнинг қадри, нон-насиба, ризқ-рўз баҳосини халқимиз азал-азалдан ўз бошидан кечирган кунлари ҳаққи дилдан ҳис этади. Бундай юртда яшашнинг ўзи бахт. Шу бахтимизга кўз тегмасин.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2012 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда галдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ўтган йили мазкур ташкилот томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган қатор сўровлар ва уларнинг натижалари ҳақида сўз юритилди. Якунда Обод турмуш йилида амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар бегилаб олинди.

**● Наманган шаҳридаги ипакни қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Verigrow ipagi” масъулияти чекланган жамиятига Сингапурнинг “Verigrow PTE LTD” корхонаси томонидан икки ярим миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилди. Ушбу маблағ корхонада кенг кўламли модернизация ишларини амалга оширишга йўналтирилди. Натижада жамиятда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сони 122 нафарга етди.**

● Термиз шаҳрида ёш фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Сурхондарё вилоятида касб-ҳунар коллежларини битирган кўплаб йигит-қизлар фермер хўжаликларини бошқариб, пахта, ғалла ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришда салмоқли натижаларга эришаётгани таъкидланди. Машғулотларда ёш фермерларга имтиёзли кредитлар олиш, шартномалар тузиш юзасидан кенг тушунча ва тавсиялар берилди.

**● Пойтахтимизда “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компанияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этди. Унда компания томонидан ўтган йили Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган ишлар, тизимдаги корхоналарда эришилган ютуқлар таҳлил қилинди.**

● Тошкентда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Тадбирда оилавий тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтириш, ижтимоий меҳнат муносабатлари ва оилавий бизнесни ривожлантиришда маҳалланинг ролини бундан-да ошириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**● Навоий шаҳрида анъанавий “Намунали милиция таянч пункти” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Якунда Қизилтепа туманидаги 46-милиция таянч пункти ғолиб, деб топилиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қароргоҳдаги нохуш воқеа

***Мексика пойтахти Мехико шаҳридаги "Пемекс" нефть ва газ компанияси қароргоҳида кучли портлаш содир бўлди. Оқибатда 25 киши ҳаётдан кўз юмган, юзга яқин одам тан жароҳати олган.***



Фожиа 54 қаватли бинонинг ертўласида жойлашган кичик электростанцияда юз берган. Дастлабки тахминларга кўра, бунга газ чиқиши сабаб бўлган.

"Пемекс" Мексикадаги энг кўп иш ўрнига эга муассасалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, у нефть ва газ соҳаси бўйича дунё миқёсидаги тўртинчи йирик компания ҳамдир.

## Меҳнат бозорида вазият ўнгланмоқда

***Германия меҳнат бозоридаги мавжуд ҳолат ижобий томонга ўзгара бошлади. Яъни бу ерда сўнгги 10 ой ичида ишсизлик даражаси биринчи марта етти фоиздан паст кўрсаткичда (6,8%) қайд этилди.***

Бу ҳақда мамлакатнинг бандлик вазири Урсула фон дер Лайен маълум қилди. Унинг таъкидлашича, айни пайтда Германия ишсизлик даражаси бўйича Европа давлатлари орасида бошқаларга нисбатан яхшироқ кўрсаткичга эга.

Ҳақиқатан ҳам, 2012 йил "кўҳна қитъа"нинг бир қатор мамлакатларида бандлик муаммоси кескинлигича сақланиб қолди. Айни пайтда Европада ишсизлик даражаси кўрсаткичи ўртача 12 фоизни ташкил этмоқда.

## Темир йўлдаги тўқнашув

***Жанубий Африка Республикасида иккита йўловчи поезди тўқнашиб кетди.***



Натижада 200 киши тан жароҳати олди. Улардан 20 нафарининг аҳволи оғир.

"Евроньюс" телеканали тарқатган хабарга қараганда, поездлардан бири темир йўл станциясида анча туриб қолган. Ортидан келаётган бошқа поезд эса унга келиб урилган.

## Темиртан колибри

***Япониянинг Чиба университети олимлари томонидан яратилган колибри-робот 2009 йилда илк марта ёпиқ бинода синаб кўрилган эди.***

Яқинда у очиқ ҳавода ҳам "имтиҳон"дан муваффақиятли ўтди. Роботнинг парвози инфрақизил нурлар ёрдамида кузатиб борилди.

Ўта митти ушбу "темир қушча"нинг иккита қаноти бўлиб, у бир сонияда 30 бор ҳаракатланади. Ҳавода эса 11 дақиқа муаллақ тура олади. Вазни атиги 19 грамм бўлган колибри-робот соатига 18 километр масофани босиб ўтади.

Роботдан вайроналар остида қолиб кетган одамларни қидириб топишда, жиноятчиларни кузатишда фойдаланиш мумкин, дейишмоқда тадқиқотчилар.

## Шаффоф телефон яратилди

***Хитойда дунёдаги биринчи шаффоф қўл телефони яратилди.***



Ушбу лойиҳа унчалик таниқли бўлмаган "Polytron" компанияси мутахассислари томонидан ҳаётга татбиқ этилди. Сенсор экрани билан жиҳозланган мазкур мобиль алоқа воситаси смартфонларда мавжуд бир қатор функцияларга эга. Юқори пикселли фотоаппарат, монтаж платаси, хотира картаси кабилар шулар жумласидандир.

Аммо ҳозирча у айнан қайси операцион тизимда ишлаши ҳақида маълумот берилмаган. Компания бундай телефонларни шу йилнинг ўзида сотувга чиқаришни режалаштирмоқда.

## Шоколад поезд

***Бельгияда шоколаддан узунлиги 34 метрлик поезд тайёрланди.***

Ушбу санъат асарини яратиш учун бир тоннадан кўпроқ ширинлик ишлатилган.

Манбага қараганда, у ўтган асрда Бельгия темир йўлларида ҳаракатланган поездларга ўхшаш қилиб ясалган.

Ҳозир мамлакатдаги вокзаллардан бирининг залида намойиш этилаётган ушбу антиқа поезд бир оз вақтдан сўнг шоколаддан тайёрланган санъат асарлари жой олган музейга топширилади.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

■ Молия муассасаларида

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

*"Трастбанк" ХОАББ кўп йиллик муваффақиятли иш фаолияти давомида кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш орқали мижозлари орасида ишонч қозониб, Ўзбекистон молия бозорида мустаҳкам ўрнини эгалламоқда.*

# Мижоз манфаати – асосий мезон

Республикамизнинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларида фаолият кўрсатишга интилиш банк тармоғи янада кенгайиб боришига олиб келди. Бунда банк томонидан филиалларни кўпайтириш, янги хизмат турларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этаяпти.

Натижада 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, жалб қилинган депозитлар ҳажми 2012 йил бошидагига нисбатан қарийб 122 млрд. сўмга ошиб, 439 млрд. сўмни ташкил қилди. Жисмоний шахсларнинг омонатлари 1,4 баробар ўсди. Тез ривожланаётган чакана хизматлар бозорида рақобатбардошликни мустаҳкамлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар учун янги хизмат тури — шахсий депозит уяларни ижарага бериш жорий қилинди.

Мижозлар сонининг ортиб бориши, банк бизнеси соҳасида IT-технологиялар фаол ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда, "Трастбанк" ўз минтақавий тармоғини ривожлантириш сиёсатини давом эттирмоқда. Қайта ташкил қилинган "Дархон" филиали билан бир қаторда, Самарқанд шаҳрида ва пойтахтимизнинг Яккасарой туманида иккита филиал иш бошлагани, шунингдек, республикамиз ҳудудларида очилган бир нечта минибанклар ва пул ўтказиш шохобчалари бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, ҳозирги кунда Қарши шаҳрида филиал учун бинони қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ўтган йилнинг ноябрь ойида "Самарқанд" филиали ҳузурида янги "Даҳбед" минибанки иш бошлади. Самарқанд шаҳрининг гавжум масканларидан бирида жойлашган ушбу минибанк юридик шахсларга, "Вестерн Юнион", "Контакт", "Быстрая почта", "Мигом", "Маниграм", "Азия-экспресс", "Юнистрим" пул ўтказиш тизимлари бўйича аҳолига хизматлар кўрсатмоқда.

"Трастбанк" ХОАББ ривожланаётган банк бозори шароитлари ва мижозларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, молиявий маҳсулотлар кўламини кенгайтирган ҳолда, уларни янада такомиллаштирмоқда. Истиқболда чакана бизнес сегментини ривожлантириш стратегиясининг асосий тамойилларига амал қилган ҳолда, якунланган йилда навбатдаги янги маҳсулотни — "Жисмоний шахслар учун интернет-банк" тизимини жорий этди. Мазкур хизматнинг афзаллиги шундаки, мижоз банк офисига бормасдан туриб, масофадан ўз ҳисобварағи бўйича барча асосий операцияларни куну тун амалга ошириш имкониятига эга. Тизим мижознинг банк ҳисобварағи, "Smart Vista" пластик картаси, кредити, омонатининг жорий ҳолати тўғрисида ҳам ахборот тақдим қилади.

Айни чоғда мижозлар янги тизим ёрдамида мобиль алоқа операторлари, интернет-провайдерлар, давлат телефон тармоғи, электр энергияси, табиий газ таъминоти, рақамли телевидение хизматлари бўйича тўловларни ҳам амалга оширадилар. Қолаверса, "Жисмоний шахслар учун интернет-банк" тизимига интернетга уланган исталган компьютер ёрдамида кириш мумкин. Амалиётларни ўтказиш учун банкимизнинг ҳар қандай филиалидан тизимга уланса бўлади. Бунинг учун эса ҳақ тўланмайди.

Бугунги кунда банк универсал хизматларнинг бошқа сегментини — жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматларни, жумладан, ахборот технологияларини ишлатган ҳолда ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда 2012 йилнинг охирида "Трастбанк" ўз мижозларига яна бир янгиликни таклиф қилди — энди банк сайтига мобиль интернет орқали ҳам кириш мумкин. Мазкур хизматга банк мижозлари катта қизиқиш билдирмоқдалар.

Дарҳақиқат, банкимизда жисмоний шахслар учун хизматлар таклиф қилиш сегменти янада ривожланиб бораётир. Бундай натижаларга эришишда "Трастбанк" ХОАББнинг барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш юзасидан орттирган кўп йиллик тажрибаси қўл келаяпти.

**Банк матбуот хизмати.**

● Реклама ва эълонлар ●

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

***2013 йил 19 февраль куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:***

Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани фуқаролик судининг ижро хатига асосан, Шуманай тумани СИБ томонидан хатланган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2121» русумли, давлат рақами 23 L 1228.

***Бошланғич баҳоси — 6 104 600 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри ЖИБ судининг ижро хатига асосан, Нукус шаҳри СИБ томонидан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «FORD MAVERIC GL» русумли, давлат рақами 23 AE 206.

***Бошланғич баҳоси — 12 787 200 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри ЖИБ судининг ижро хатига асосан, Нукус шаҳри СИБ томонидан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «FORD MAVERIC GL» русумли, давлат рақами 23 AE 064.

***Бошланғич баҳоси — 12 787 200 сўм.***

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 6 март куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, СТИР: 302083379, 20208000904932168010 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

*Қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 412-хона. Телефон: (8-361) 222-11-73.*

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Наманган вилояти филиали

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

2013 йил 5 март куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳри, Беруний кўчаси, 1-уйда жойлашган, Норин тумани давлат санитария-эпидемиология назорати марказига қарашли, «ВАЗ-2121» русумли, давлат рақами 16 AB 689 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 986 000 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 12, 19 ва 26 март кунлари соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 га қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир кун аввал соат 14.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлими, МФО: 00223, СТИР: 302083379, 20208000104932168005 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

*Қўшимча маълумот учун манзил: 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 15-хона. Тел./факс: (8-369) 226-41-66. E-mail: 1nrs@mail.ru*

**Тузатиш!**

«Universal Auktsion Invest» МЧЖ Навоий вилояти филиали томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 24 январдаги 16 (5690)-сонида чоп этилган эълондаги 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «Форд транзит» русумли автотранспорт воситасининг давлат рақами «85 Y 596 AA» ўрнига «10 Y 596 AA» деб ўқилсин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 23-уй. Телефон: (8-436) 224-84-38.**

*Гувоҳнома № 004059.*

169A/870

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ва Самарқанд шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, умумий майдони 12624 кв.м., қурилиш ости майдони 3884,15 кв.м. бўлган база биноси ва унинг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 548 263 433 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳри, Сўғдиёна маскани, Истироҳат боғи ҳудудида жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, қурилиш ости майдони 461,8 кв.м. бўлган чойхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 179 163 414 сўм.***

**3.** Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-Ғишт Шоҳжаҳон» Х/Кга тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 053 830 498 сўм.***

**4.** Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, Аэропорт-9 манзилида жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, қурилиш ости майдони 4413,18 кв.м. бўлган автобекат биноси.

***Бошланғич баҳоси — 509 822 194 сўм.***

**II.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 104 632 900 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган, «12-шина таъмирлаш заводи» МЧЖга қарашли бино-иншоотлар ҳамда барча мол-мулк мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 989 265 431 сўм.***

**III.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фароч» боғдорчилик жамияти ҳудудида жойлашган икки қаватли дала-ҳовли биноси.

***Бошланғич баҳоси — 118 802 926 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фароч» боғдорчилик жамияти ҳудудида жойлашган икки қаватли дала-ҳовли биноси.

***Бошланғич баҳоси — 31 355 878 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 18 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 15 февраль куни соат 18.00.

Ушбу кўчмас мулклар 2013 йил 18 февраль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 6 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 4 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй.
Телефон: (8-366) 233-80-56.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

178R/1453

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-175-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 354,57 кв.м., 1984 йилда қурилган, 16 хонадан иборат, бир қаватли, А литердаги маъмурий бино арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 135 225 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 18 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 15 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Манзил: Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй,
«Тадбиркорлар маркази» биноси.
Телефон: (8-376) 227-57-94. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

170A/1453

## «Халқ Инвест» МЧЖ

**шаклидаги инвестицион-инжиниринг компанияси**

***лифтлар (ойнали ю/к 800 кг. ва юк ташувчи ю/к 1 000 кг.), эскалаторлар ҳамда чиллер (бинони совитиш мосламаси) асбоб-ускуналарини сотиб олиш бўйича тендер савдосини эълон қилади.***

***Ташкилотлар ўз тижорат таклифларини 2013 йил 2 февралдан 4 март соат 16.00 гача тақдим этишлари мумкин.***

**Тендер бўйича батафсил маълумотларни «Халқ Инвест» жамиятининг ишчи гуруҳидан қуйидаги манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: (+99871) 244-18-19, 244-18-98.**

171A/120

## САНОАТ КОРХОНАСИ

**бош энергетикнинг биринчи ўринбосари**

**лавозимига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.**

**НОМЗОДГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:**

- **соҳа бўйича олий маълумотга, муҳандис-техник ва раҳбар лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш**
- **хавфсизлик гуруҳи 5-даражадан паст бўлмаслиги**
- **Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.**

***Иш ҳақи — суҳбат натижасидан кейин белгиланади. Келажакда лавозимда ўсиш имкониятлари мавжуд.***

**Шунингдек,**

**юқори малакали электриклар ҳамда назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича (КИП ва А) созловчи-ишга туширувчилар**

**ишга қабул қилинади.**

***Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Ходимлар бепул овқат ва транспорт билан таъминланадилар. Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.***

**МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97.**

30R/1346

## «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси

***Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат рус тилида амалда бўлган қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат тилига техник таржима қилиш учун танлов эълон қилади:***

1. Электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари.
2. Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари.

***Танловда қатнашиш учун юридик шахслардан аризалар мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.***

**Танлов шартлари билан батафсил танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Истиқлол (собиқ Хоразм) кўчаси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси. Телефонлар: (8-371) 236-61-41, 236-63-32.**

168A/79

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

## 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

*Ҳар сафар Алишер Навоий асарларини мутолаа қилганда, бу даҳонинг юзларча адибларга устозлик вазифасини бажариб, уларни шахс сифатида камол топишларига кўрсатган беқиёс хизматлари, беҳисоб "бинои хайр"лар барпо этганлигига амин бўламиз. Навоий умр мазмуни ва ҳаётининг борини халққа бахшида қилган зотдир. Унинг Фарҳод, Ширин, Искандар, Паҳлавон Муҳаммад, Саййид Ҳасан Ардашер шахсиятлари, салафларига бўлган муносабатида жамиятдаги яратувчанлик ғояси алоҳида меҳр билан куйлангани кўз ўнгимизда гавдаланади.*

# «...Хизматим бўстони сидқ ва сафо саҳобидин сероб»

Навоийнинг бу фазилати ҳали у ҳаёт бўлган пайтидаёқ замондошлари томонидан алоҳида таъкидланган. Айниқса, Бобурнинг "Бобурнома", Ғиёсиддин Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор", "Ҳабиб ус-сияр", Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ", Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" ва бошқа асарларида Навоий қурдирган жуда кўп бинолар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Хусусан, Заҳириддин Бобур Навоийнинг бунёдкорлик хислатини "Бобурнома" асарида алоҳида меҳр билан таъкидлайди. У Навоийнинг бунёдкорлик ишларини номма-ном санаб ўтмаса ҳам, унинг Хуросон султони Ҳусайн Бойқарога, ҳатто, моддий ёрдам берганлигини таъкидлайди. "Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди", дер экан, унинг моддий имконияти нақадар юксак бўлгани ва қурдирган барча бинолари ўзининг маблағи билан бунёд этилганлигига ишора қилади. Шу қатори, Бобур Навоийнинг хизматини, энг аввало, ўша давр адабий, маданий ҳаётидаги улкан улушида деб билади ва қуйидагича таърифлайди: "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай". Бобурнинг таърифида Навоийнинг юқоридаги Ҳирот маданий ҳаётининг гултожлари бўлган санъаткорлар, машҳур шахсларни тарбиялаб камолга етказиши унинг хайрли ишларни кўзлаб қурган бинолари қатори ижодкорлик, яратувчанлик сирасига киритилган.

Хондамир "Хулосат ул-ахбор" асарида ёзишича, у Марҳани деган жойда ариқ қазиш, зовурларни тозалаш, кичик бинолар қуриш билан эзгу ишларга бош-қош бўлган бўлса, кейинчалик бу каби хайрли юмушлар кўлами кенгайиб борган. Навоий йигирмага яқин ҳовуз қаздирган, 16 кўприк ва 2 тўғон ҳам бунёд этганки, бу иншоотларнинг барчаси, энг аввало, оддий халқ манфаатига хизмат қилган.

Алишер Навоий қурдирган иншоотларни санаб адоғига етмайсан, киши. Ўзининг таъкидлашича, бу даврда у "фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун" ушбу иншоотларни қурдиради. Улардан бири машҳур "Ихлосия" мадрасаси бўлиб, Навоий бу мадрасага юксак ихлос билан қараган, мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчи аҳли илмга моддий ёрдам берган.

Алишер Навоий "Вақфия" асарида бир умр ижодкорлик, яратувчилик иши билан шуғуллanganлигини, бу иш унинг умр мазмунига айланганлигини қуйидаги нозик ва айни пайтда бадиий жило билан оро берилган сатрларда баён этади: "Агарчи дарёға қатра мададкорлигидин суде ва яди байзоға зарра ҳаводорлиғидин мақсуде мумкин ва мутасаввар эрмас, аммо ул қадар хизматдаким, хастаға қувват эрди ва ул миқдор мулозаматдаким, бу шикастаға тенгри тоқат берди, жонсипорлиқ расмин унутмадим ва эҳтимол ва тасоҳул раво тутмадим. Чун ниятим гулистонида зарқ ва риё хошоки ноёб эрди ва хизматим бўстони сидқ ва сафо саҳобидин сероб".

Албатта, муҳтарам ўқувчимизда "Алишер Навоий бунчалик хайрия ишларини қайси даромад асосида амалга оширди экан?" деган ҳақли савол туғилиши аниқ. Шуни айтиш мумкинки, Навоий ўз даврининг катта даромадга эга шахсларидан бири бўлган. Лекин гап кишининг бой-бадавлат бўлишидан кўра, уни халқ манфаатига, ночор кишиларнинг мушкулини енгиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлики, Навоий шахсияти бунга ёрқин мисолдир.

Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарида Навоийнинг хайру саховати, шогирдпешалиги, илм, адабиёт, санъат аҳлига кўрсатган ҳомийлигига оид нодир маълумотларга дуч келамиз. "Шундай қилиб, ўша замонда халқнинг турли тоифалари ичидан фозил, беназир инсонлар чиққани унинг (Навоийнинг) саъй-ҳаракатлари туфайлидир. У Мир сифатида шундай жидду жаҳд кўрсатдики, натижада катта бойлик тўпланди, деҳқончиликдан ва бошқа тарафлардан тушган кунлик даромад ўн саккиз минг шоҳрухийни ташкил этган, ўз амирлик мансабининг барча жиҳатларини — хизматкорларни, мулозимларни, хазинани, сайисхонани, подшоҳлик иморатларини у Султон Ҳусайн мирзонинг нойиби амир Бобо Алига топширган, бу ўша даврнинг буюк сипоҳларидан эди. У қудрати етгунча унга ёрдам сўраб мурожаат қилган муҳтожларга, олиму фозилларга ҳомийлик қилди. Ўз мулкидан тушган барча даромадни эл-юрт фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади".

Биз Алишер Навоийнинг бундан қарийб олти аср олдинги ишлари ҳақида сўз юритдик. Улуғ шоирнинг бу фазилати кишиларни эзгулик сари тарбиялашга, илм ва таълимга юксак ихлос билан қарашга, инсонда фақат яхши хислатларни шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидирки, буларнинг барчаси кўз ўнгимизда буюк Навоий шахсиятини яна бир карра улуғлайди.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

# Франциядан буюртма

*Бахмаллик Дилором Бегбўтаева тўқиган дастлабки декоратив гиламнинг сифати хорижлик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ва у яна 10 та гиламга буюртма олди.*

## Интилиш

— Табиий маҳсулотлардан тайёрланадиган декоратив гиламлар хорижда анча харидоргир, — дейди Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Алишер Қодиров. — Шу боис Франциянинг "TRS Lines" компанияси билан ҳамкорликда вилоят марказидан узоқда жойлашган қишлоқларда касаначилик асосида ипак, пахта ва жундан гилам тўқиш лойиҳасини амалга ошираяпмиз. Мақсадимиз қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш орқали уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш ҳамда ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашишдан иборат.

Қисқа вақтда Бахмал ва Жиззах туманларида яшовчи 100 нафардан ортиқ хотин-қизлар касбга ўргатилиб, Франциядан олиб келинган дастгоҳларда гилам тўқишмоқда. Шунингдек, Ғаллаорол туманидаги бир қатор коллеж ўқувчилари гиламчилик сирларини ўрганишаяпти. Яқин кунларда олис қишлоқ ҳудудлари аёллари ҳам лойиҳа доирасида дастгоҳлар ва хом ашё билан таъминланади. Муҳими, яримтайёр маҳсулотлар — ипак, пахта ва жун вилоятнинг ўзида мавжудлиги экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Санъат

*Бухоро шаҳридаги Камолиддин Беҳзод номли санъат музейида Ўзбекистон Бадиий академияси, республика Бадиий ижодкорлар уюшмаси ва Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан "Илҳом олами" деб номланган кўчма кўргазма ташкил этилди.*

# Бухорода кўчма кўргазма



Обод турмуш йилига бағишланган мазкур кўргазмани Ўзбекистон тасвирий санъати тарихининг ўзига хос кўзгуси, дейиш мумкин. Унда Ўрол Тансиқбоев, Александр Волков, Павел Беньков сингари таниқли рассомларнинг мойбўёқда ишланган суратлари, Абдулҳақ Абдуллаев, Чингиз Ахмаров, Рўзи Чориев, Баҳодир Жалолов каби ажойиб мўйқалам соҳибларининг энг сара асарларини учратасиз. Тадбир давомида пойтахтда яшаб, ижод қилаётган мўйқалам усталари вилоятдаги бир қатор таълим муассасалари ўқувчилари билан ижодий учрашувлар ўтказдилар, улар учун маҳорат машғулотлари уюштирдилар. Худди шундай кўчма кўргазмаларни мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этиш кўзда тутилган.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Австрияда тақдимот

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, юртимизда сайёҳликнинг экологик, соғломлаштириш, тарихий, маданий-маърифий ва бошқа йўналишлари тараққиётига оид атрофлича маълумотлар ҳам тақдим этилди.

"Ferien Messe Wien — 2013" меҳмонлари Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти, халқимизнинг ўзига хос маънавий-маданий мероси, бетакрор тарихий-меъморий ёдгорликлар, ўлкамизнинг жуғрофий, табиий ва иқлим шарт-шароитлари тўғрисидаги қизиқарли маълумотларга ҳам эга бўлдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбат чоғида **"East Link" компанияси бош менежери Вальтер Треттенхам** Ўзбекистон сўнгги йилларда сайёҳлик инфратузилмасини модернизациялаш, сайёҳликнинг янгидан-янги йўналишларини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошираётганидан бохабар эканлигини таъкидлади. Ўзбекистонга келган сайёҳларга, В. Треттенхамнинг эътирофича, халқаро талабларга жавоб берадиган юксак сифатли меҳмонхона, транспорт ва бошқа сайёҳлик хизматлари кўрсатилади.

**"Sindbad Reisen" сайёҳлик компаниясининг (Австрия) лойиҳалар бўйича раҳбари Луай Сарсам** юртимизда дунёнинг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган энг замонавий ва барча қулайликларга эга авиация мажмуаси ташкил этилгани ҳамда "Тошкент — Самарқанд — Тошкент" йўналиши бўйлаб қатнаётган "Afrosiyob" тезюрар поезди ишга туширилганини юқори баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистонда яратилган қулай шарт-шароитлар, заминимизда қад кўтарган ва "Буюк Ипак йўлининг жавоҳирлари" номини олган кўплаб тарихий-меъморий обидалар дунёнинг турли нуқталаридан ҳар йили минг-минглаб сайёҳларни оҳанрабодек ўзига жалб қилаётир.

**«Жаҳон» АА.**
Вена

# Соғлом, гўзал ва шижоатли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Келинг, фикримизни Наманган вилояти мисолида давом эттирайлик. Ўтган йил бошида вилоятда ушбу спорт тури билан шуғулланаётган қизлар уч минг нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 4616 кишига етди. Бундай самарадорликка эришишда мавжуд шароитларни такомиллаштириш билан бир қаторда, ёшлар маҳоратини оширишга тажрибали мураббийлар жалб этилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Аҳамиятлиси, ҳудуддаги барча умумтаълим мактаблари, аксарият болалар боғчаларида бадиий гимнастика гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Учта болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эса нафис спорт тури сир-асрорлари чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилмоқда.

Кейинги пайтларда Наманган шаҳридаги 2, 19, Тўрақўрғон туманидаги 36-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мукаммал таъмирланиб, машғулотларни юксак талаблар даражасида ташкил этиш имконияти яратилди.

Кўпгина халқаро турнирлар совриндори Шоҳиста Рашидова бадиий гимнастика сабоқларини вилоят марказидаги 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўзлаштирган қизлар сирасига киради.

— Бу ерга келганимда, ёшгина қизалоқ эдим, — дейди у. — Мана, анча маҳоратим ошиб қолди. Ўн беш ёшимдаёқ спорт устаси тоифаси талабларини бажаришга муваффақ бўлдим. Бундан беш йил аввал ўтказилган "Олимпия умидлари" халқаро турнирида бронза медалини қўлга киритган эдим. Ана шу ютуқ навбатдаги ғалабалар сари йўл очиб берди.

Таъкидлаш жоизки, бадиий гимнастика бўйича вилоят терма жамоаси, асосан, мазкур таълим муассасаси тарбияланувчиларидан шакллантирилган. Спорт иштиёқмандлари бу ерга жуда кичик ёшданоқ келишади. Сабаби, шу даврда боланинг танаси нозик ҳаракатларга тез мослашади. Масалан, эндигина тўққиз ёшга кирган Севара Ҳайдарованинг нафис спорт тури билан шуғуллана бошлаганига уч йил бўлаяпти. Мураббийлар унинг иқтидорини алоҳида тилга олиб ўтишади. Азиза Абдуллаева ҳам Севаранинг тенгдоши. Наманган туманидан машғулотларга қатнаётган бу қизча ҳам анча тиришқоқ. Диёрабону Маҳмуджонова, Мадина Хўжаева, Сабина Абдураҳимова, Дилноза Сафарова каби ёш спортчилар эришаётган муваффақиятлар ҳақида ҳам ана шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин. Уларнинг аксарияти аллақачон спорт усталигига номзод талабини бажарган.

Ҳозирги кунда 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 400 нафар ўқувчи спортнинг бадиий гимнастика, трамполин, спорт акробатикаси, қўл тўпи турлари бўйича сабоқ олаяпти.

— Бадиий гимнастика бугунги кунга келиб, энг оммавий спорт турларидан бирига айланди, — дейди тажрибали мураббий Зикия Гнездилова. — Жойларда у билан шуғулланиш учун етарли имкониятлар яратилаётгани иқтидорларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Анъанавий тарзда ташкил этилаётган мусобақалар эса улар маҳоратини сайқаллаштириб, ғалабага бўлган интилиш туйғусини шакллантираётир. Чунончи, кейинги пайтларда шогирдларимиз "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари, "Биллур капалак" халқаро турнирида мунтазам иштирок этиб, юқори натижаларга эришишмоқда. Ўтган йилги кўрсаткичларимиз ҳам чакки эмас. Жумладан, республика ёшлар чемпионати ва очиқ чемпионат баҳслари, Ўзбекистон кубоги беллашувларида тарбияланувчиларимиз совринли ўринларни эгаллашди.

Шуни эътироф этиш ўринлики, гўзал спорт тури эндиликда нафақат махсус мактаблар, таълим тизимининг бошқа муассасалари, балки меҳнат жамоалари, маҳалла, хонадонларга ҳам кириб бораяпти. Айтайлик, яқинда Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида бадиий гимнастика фестивали ташкил этилди. Бу тадбир спортнинг ушбу тури туман марказлари, олис қишлоқларда ҳам оммалашиб бораётганини яна бир бора тасдиқлади. Қизиқарли кечган беллашувлар якунига кўра, Тўрақўрғон тумани жамоаси бош мукофотни қўлга киритди. Кейинги ўринлар Чуст ва Янгиқўрғон туманлари бадиий гимнастикачиларига насиб этди. Умуман олганда, фестивалда майдонга тушган қизларнинг ҳеч бири рағбатсиз қолмади. Уларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган спортнинг қай бир тури бўлмасин, унинг оммалашуви ва равнақ топишида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятининг йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамғарма тузилгандан буён Наманган вилоятида 137 та спорт иншооти барпо этилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 13 та шундай объект болаларни ўз бағрига олди.

Обод турмуш йилида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, хусусан, янги қурилиш ва реконструкция ишлари ҳисобига яна 13 та иншоотни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ушбу мақсаднинг амалга ошиши, албатта, спортчи ёшлар сафини кенгайтириб, иқтидорлар парвозига қанот бағишлайди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Чашманинг шифобахш суви

*Тоғлар бағрида жойлашган Сўх туманидаги Чашма қишлоғида мўъжаз булоқ бор. Қишин-ёзин ер қаъридан бир хил ҳароратда қайнаб чиқувчи зилол сув нафақат экологик тозалиги, балки шифобахшлиги билан ҳам кўпчиликка маълум.*

## Яхши хабар

Шуни ҳисобга олган тадбиркор Ҳабибулло Ёрматов мазкур булоқ сувини бежирим идишларда қадоқлашни йўлга қўйди. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган "Сўх-Чашма" кичик корхонасида хориж технологияси асосида кунига 20 минг литр сув қадоқланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Энг муҳими, тадбиркор саъй-ҳаракати билан 15 нафар коллеж битирувчиси доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


• Реклама •

«ЎЗБЕКНАВО»
ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ
тақдим этади!

2013 йил 3 март куни
соат 19.00 да
«ИСТИҚЛОЛ»
санъат саройида

муҳтарам Юртбошимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган

«Марди майдон!»

қўшиқлар фестивали ғолибларининг

«Дилларда Ватан madҳи»

деб номланган жонли ижродаги концерти ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 234-52-90, 235-41-15,
234-15-93.

103R/56


# Таълим масканларида ахборот хоналари

*"Фонд Форум" жамғармаси ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга ёшларни янада кенгроқ жалб этиш мақсадида пойтахтимиздаги 25 та етакчи олий ўқув юртида "Келажак овози" ахборот хоналари ташкил этилди.*

## Ташаббус

Бу ерда иқтидорли йигит-қизлар турли тақдимот ва семинар-тренингларда иштирок этиши, тенгдошлари билан ўртоқлашиб, ўз ғоя ва мақсадларини амалга оширишлари мумкин. Айтиш жоизки, шу кунгача "Келажак овози" ахборот хоналари юртимизнинг қирқдан зиёд таълим муассасаларида ўз фаолиятини бошлаган эди.

**А. ЭРГАШЕВ.**

# Мурувватдан диллар шод

*Бекобод туманилик Авазбек, Отабек ва Орзигул тақдир тақозоси билан ота-она меҳри ҳамда қарамоғидан маҳрум бўлгач, Меҳрибонлик уйида тарбия топишди.*

## Эзгулик

Яқиндан бошлаб мустақил ҳаётга қадам қўйган бу ака-сингиллар ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Ака-сингил Жўраевларга Зафар шаҳарчасидаги кўп қаватли уйдан алоҳида хонадон ажратилди. Шу билан бирга, уни таъмирлаш ва жиҳозлашга бир қатор саховатпеша инсонлар бош қўшдилар.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Билиб қўйган яхши

# Қалампирмунчоқ — минг дардга даво

*Қалампирмунчоқнинг фойдали жиҳатлари ҳақида тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар мавжуд. Хусусан, буюк табиб Абу Али ибн Сино ўзининг битикларида "... унинг яхшиси қуруқ ва ўткир ҳидлисидир.*

Оғиз ҳидини ёқимли қилади. Кўзни ўткирлаштиради. Меъда ва жигарни кучайтиради, қусиш ҳамда кўнгил айниганда фойда қилади", деб ёзиб қолдирган.

Дарҳақиқат, қалампирмунчоқ таркибидаги эвгонел моддаси ўзига хос ҳид бериш баробарида, унинг шифобахшлигини ҳам оширади. Унинг ёғи, яъни эвгонел оғриқ қолдириш, микробларни ўлдириш, терлатиш, ҳазм қилишни яхшилаш ва пешоб ҳайдаш хусусиятига эга.

Қалампирмунчоқ, шунингдек, тиш емирилиши, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати яллиғланиши, пульпит, пародонтоз каби стоматологик хасталикларда ҳам яхши наф беради.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 227 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5